

**Олий аттестация комиссиясининг
2024 йил 9 ойлик (январь-сентябрь) фаолияти натижалари бўйича
маълумотнома**

Амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар:

1. 2024 йил 9 ойлигида **2912 нафар** тадқиқотчи **илмий даражада тасдиқланди**. Шундан, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга бўлганлар сони **2506 нафарни**, фан доктори (DSc) илмий даражасига эга бўлганлар сони **406 нафарни** ташкил этди.

KPI кўрсаткичи илмий даражалар бўйича **104 фоизни**, жумладан фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси бўйича **102 фоизни**, фан доктори (DSc) илмий даражаси бўйича **113 фоизни** ташкил этди.

Ҳимоя қилинган диссертациялар (100%) илмий натижаларининг **амалиётга жорий қилиниши** ташкил қилинган.

2. Шу даврда **2904 нафар** талабгор илмий унвонда, жумладан **623 нафари** профессор, **2154 нафари** доцент ва **127 нафари** катта илмий ходим ва **унвонларида тасдиқланди**.

KPI кўрсаткичи илмий унвонлар бўйича **159 фоизни**, жумладан профессор илмий унвони бўйича **174 фоизни** ва доцент илмий унвони бўйича **163 фоизни** ташкил этди.

3. Хорижий давлатлар муассасалари томонидан берилган **51 та** илмий даражалар дипломлари (**16 таси** фан номзоди, **35 таси** фалсафа доктори (PhD)) **нострификация** қилишни ташкил этилди.

4. Хорижий давлатларда илмий даражалар тўғрисида берилган **26 та** фалсафа доктори дипломи **тўғридан-тўғри фан доктори** сифатида **тан олиниши** ташкил қилинди.

5. **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** (my.gov.uz) орқали давлат намунасидаги илмий даража олинганлиги тўғрисидаги диплом ёки илмий унвон олинганлиги тўғрисидаги аттестат маълумотларини ўз ичига олган электрон кўринишдаги **QR-код қўйилган ҳужжатни тақдим** этиш хизмати ишга туширилди.

6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг барча мурожаатларига (**100%**) **ўз вақтида жавоб берилиши таъминланди (393 та**, жумладан **5 та** оғзаки ҳамда **388 та** ёзма мурожаат).

7. Илмий жамоатчилик билан **10 та** ҳудудда **33 та** учрашув ташкил этилди ва сайёр қабуллар амалга оширилди. Учрашувларда **1910 нафар** илмий жамоатчилик (**1273 нафари 35 ёшгача**) иштирок этиб, **422 та** саволга тушунтиришлар берилди, **70 нафар** шахсга жойида услубий ёрдам кўрсатилди ва сайёр қабулларда **83 нафар** шахсга жойида амалий ёрдам берилди.

2024 йил якуни билан кутилаётган кўрсаткичлар:

2024 йил якунига қадар **3900 нафар** тадқиқотчи **илмий даражаларда** тасдиқланади (**3400 нафар** фалсафа доктори (PhD), **500 нафар** фан доктори (DSc)).

Ҳимоя қилинадиган диссертациялар (100%) илмий натижаларини **амалиётга жорий қилиниши** ташкил этилади.

3444 нафар талабгор илмий унвонларда (**695 нафари** профессор, **2540 нафари** доцент, **209 нафари** катта илмий ходим) тасдиқланади.

Талабгорларни фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларида ҳамда илмий унвонларда тасдиқлаш бўйича **KPI кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланади.**

Таклифлар:

1. Тасдиқланадиган низомларнинг янги таҳрири мазмун-моҳияти бўйича жойларда илмий жамоатчилик билан **ишчи семинарларини** ташкил қилиш ҳамда **оммавий ахборот воситаларида** тарғибот (матбуот анжумани, брифинг, кўрсатув, эшиттириш, мақола) ишларини амалга ошириш.

2. Низомларнинг янги таҳрири бўйича олий таълим ва илмий ташкилотларга, ихтисослаштирилган кенгашларга жойларда **амалий-услубий ёрдам** кўрсатишни ташкил қилиш.